

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАР МУЛОҚОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМИ

Акбарова Шохихахон Нурматовна

Андижон шаҳар 35-ДИМ бошлангич синф ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий педагогик жараён ва унда коммуникатор педагогнинг ишига алоқадор тамойилларни фарқлаш, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш учун ҳар бир аудиторияда соғлом муҳитни яратишда педагогнинг мулоқотига қўйилган муҳим шартлар, ўқитувчида ўзининг ўқувчи, талабаларига таъсир кўрсатишнинг асосий механизмларини билиш ва таълим-тарбия жараёнида қўллай олиш малакалари бўйича фикр юритилади.

Калитли сўзлар: мулоқот, этика, ғоя, экстроллингвистик ва паралингвистик, коммуникатор, механизм, дунёқараш, таъсирчанлик, ишонтириш, эътиқод.

Аннотация. В данной статье описаны современный педагогический процесс и принципы, связанные с работой учителя-коммуникатора, важные условия общения учителя в создании здоровой среды в каждом классе для эффективной организации педагогической деятельности, знание учителем основных механизмов влияния на мысли его учеников.

Ключевые слова: общение, этика, идея, экстроллингвистический и паралингвистический, коммуникатор, механизм, мировоззрение, чувствительность, убеждение, убеждение.

Annotation. This article describes the modern pedagogical process and the principles related to the work of the communicator teacher, the important conditions for the teacher's communication in creating a healthy environment in each classroom for the effective organization of pedagogical activity, the teacher's knowledge of the basic mechanisms of influencing his students thought about.

Keywords: communication, ethics, idea, extrolinguistic and paralinguistic, communicator, mechanism, worldview, sensitivity, persuasion, belief.

Бугун юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, онгли инсон мамлакатимиз тараққиётининг олдинга босиши, тараққиёт топган давлатлар билан

хамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни билиш билан бирга, шу эзгу мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшувчи ёш авлодни ҳар томонлама етук баркамол шахслар қилиб вояга етказишда таълим-тарбия тизимини модернизация қилиш зарурлигини англаб етмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутқ ва маърузаларида алоҳида таъкидлайдилар. Бугунги шиддаткор ҳаёт одамлар билан бемалол мулоқот қила оладиган, яхшини ёмондан ажрата оладиган, ҳаётнинг пасту - баланд кўчаларида ақл - заковат билан тўғри йўлни топишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қилмоқда.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, талабаларни мулоқот техникасини ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ҳар бир педагог учун муҳимдир.

Педагогика этика ёки муомила нуқтаи-назаридан ҳар бир педагог ўқитувчи соғлом ва илғор ғояларни тарғиб этувчи, (ғояларни) маълумотни аудиторияга етказётганда энг биринчи навбатда унинг кўзлари лоқайд бўлмаслиги, бу теран ва фаол қараш шогирдларда ҳам шунга мос қарашни уйғотишга эришмоғи лозим. Бунинг учун у ҳар бир ибора ва жумлани ички эътиқод ва ишонч билан айта олиши, талаба ёки ўқувчи жавоб берганда уни жуда диққат билан тинглаб олиши керак. Мулоқотда нутқ орқали таъсир

қилиш билан биргаликда таъсирнинг новербал воситалари борлигини инобатга олиб кўз қарашлар овоз ва товуш имкониятларидан экстроллингвистик ва паралингвистик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир мулоқот актларида педагог ўз ўқувчилари тимсолида навбатдаги оддий ўқувчи эмас, балки маълум маънода дунёқараши шаклланиб бўлган инсон, шахсни кўра билиш даркор.[1]

Замонавий педагогик жараён ва унда коммуникатор педагогнинг ишига алоқадор қуйидаги тамойилларни фарқлаш мумкин:

1. Замонавий педагогик жараён таълимни ислоҳ қилишни талаб қилганини инобатга олиб ўқитувчи педагог нафақат билим ва кўникмаларни ўзгаларга “етказувчи”, балки асосан ёшларни янги ва керакли билимларни эгаллашга ўргатиш, улар билиш фаолиятини ташкил этиб, бошқаришдан мустақил фикрлашга ўргатиш ётади. Бунинг учун:

- талаба ёки ўқувчини мустақил тарзда у ёки бу маълумотларни излаб топишга, кутубхонада самарали ишлаш йўллари ва тез ўқишга ўргатиш;

- ўқиган материални тушуниш, асосий фикрларни ажратиб олиб фойдали конспектлар тузишга ўргатиш;

- ажратиб олинган маълумотлар билан ишлашга ўргатиш керак.

2. Ўз шахсий ташаббуси билан педагог ўқувчиларини ҳам ҳамкорликда ишлашга ўргатиш, бунинг учун эса, жамоа фаолиятида ҳам бажарувчи, ҳам ташкилотчи ҳам ташаббускор бўлишига эришиш лозим.

3. Ҳар бир ўқувчини маънавий томондан бой бўлишга алоҳида эътибор бериб, келажагини фақат ҳалол ва малакали меҳнат туфайли бахтли бўлишини тасаввур қилишга ундай олиш.

Янгича шароитларда педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш учун ҳар бир аудиторияда соғлом муҳитнинг бўлиши муҳимдир. Психология ва педагогика фанларида бунинг 5 та муҳим шарти мавжуд.[2]

1. Педагог ва ўқувчининг муваффақиятга эришишга бўлган ишончи. Ишончнинг хусусияти америкалик олим Розенталь ўтказган тажрибаси диққатга сазовордир. Экспериментнинг моҳият шундан иборат эдики, ўқитувчига атайлаб тўпланган паст ўзлаштирувчи болалар гуруҳини бериб уларнинг ўта иқтидорли эканликларини таъкидлашган. Бунга ишонган ўқитувчи уларга шундай мурожат қилганки, бора – бора ҳақиқатдан ҳам паст ўзлаштирувчилар ҳам ўзлари сезмаган ҳолда юқори ўзлаштирувчиларга айланган. Демак, ишонч уруғини сочувчи психологик установкаларнинг аҳамияти катта.

2. Коммуникатор - ўқитувчининг самарали таъсирнинг иккинчи шарти, бу ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлардир. Педагогик адабиётларда шу ўринда «тўғри муносабатлар» тушунчаси қўлланилади, бунинг маъноси ўқувчи ўқитувчининг учун тақлид объектга айлантира олиш ўқитувчи эса, ўз навбатида ёшлар тимсолида ҳамкорликнинг объектини кўра олиш керак.

3. Учинчи шарти – бу ўқитувчининг ўз шогирдларига нисбатан самимий муносабатлари. Бунинг маъноси у ёшларга муносабат қилганда қандайдир шаклланган муомила стандартларидан кўр-кўрона фойдаланмасдан, ҳар бир ўқувчида ўзига хос қайтарилмас шахсни кўра билиш.

4. Дастлабки, мулоқот онлариданоқ ўқитувчининг ўқувчига нутқ воситасидаги мураббийлиги самимий ва тўғри бўлиши ҳам таъсирнинг муҳим шарти ҳисобланади.

5. Ниҳоят, ўқитувчининг ташқи кўриниши, қиёфаси аудиториядаги ҳолат, унинг шинамлигига ҳам ўша гапирилаётган сўзларга нисбатан ишонч муҳитини шакллантиради.

Ижтимоий психологик нуқтаи-назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ўқитувчида ўзининг ўқувчи, талабаларига таъсир кўрсатишнинг 3 та асосий механизмлари мавжуд, бу:[3]

- 1.Таъсирчанлик;
- 2.Ишонтириш;
- 3.Эътиқод ҳосил қилиш.

Биринчиси шуниси билан характерлики, ўқитувчи ўз фанига лаёқати, садоқати, меҳри билан шундай таъсир қиладики, ёшлар бундан таъсирланиб, ўша фанга ва берилаётган маълумотларга «ром» бўлиб қоладилар, бу нарса уларнинг ҳиссиётларига, эмоцияларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам болалар нима учун айнан ўқитувчининг фанини яхши кўриб қолганликларини сезмай қоладилар. [4]Ишонтиришнинг таъсирланишдан фарқи шуки, бунда таъсирланувчи фақат ҳиссиётлари туфайли эмас, балки ақли ҳуши фаросати билан ўқитувчининг таъсирига берилади. Масалан: ўқитувчининг ишончи билан бир шароитда баъзан муваффақиятни кафолатлайди.

Учинчи механизм ҳам иккинчисига ўхшашсада асосан сўзлардир, лекин ҳар бир сўз бевосита ҳиссиётларга эмас, балки мантиққа, онга йўналтирилган бўлади. Эътиқодга таъсир кўрсатиш учун ўқитувчи кўйидагиларга амал қилиши керак.

- асосий фикрни аниқ ва лўнда қилиб, ўқувчига тушунтириши, фикрнинг тингловчига алоқадор манфаатли томонини тушунтириш, хулоса чиқаришни ўқувчига ҳавола этиш;

- бир-иккита таянч ибораларини танлаб олиб тушунтириш мобайнида улар фикрининг хотирада ўрнашиб қолишга сабаб бўлади;

- ишонарли, қарама-қаршиликсиз фикрларни аниқ ифодалаш, чунки умумий фикр - мулоҳазалардан кўра аниқ фикрларга одам тезроқ ишонади.

- ўзига ишониши керак, бу борада тингловчини ҳам истиқболга ишонтириш ва янгиликка умидвор қила олиш;

- ўз қарашлари ва фикрларини очик ва самимий баён эта олиш ҳам аудиториянинг маърузачини севиб қолиши ва унга ўрганиб қолишга имкон беради;

- ҳар бир тингловчини гапираётган шахснинг унга шахсий муносабати жуда қизиқтиради, шунинг учун ҳаммага бир хилда тенг муносабат билдира олиш ҳеч кимнинг шахсиятига тегмаслик керак. [5]

Талабаларнинг мулоқот психологиясини ривожлантиришда педагогдан куйидаги вазифаларни амалга оширишни белгилаб беради:

- ҳамкорликдаги фаолият жараёнида шахслараро ўзаро таъсир ва мулоқот қонуниятларини ўрганиш;

- шарқ алломаларининг мулоқот ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиш;

- талабани фаолликка ундовчи муомалавий имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш;

- талабаларда касбий лаёқатни фаоллаштиришга қаратилган мулоқотни шакллантириш;

- шахслараро муносабатларни мувофиқлаштиришда мулоқотнинг ролини орттириш;
- ўзаро таъсир этишнинг айрим оқибатларини ҳисобга олиш.
- муомала маданиятининг назарий асосларини;
- шахслараро муносабатлар қонуниятларини;
- педагогик мулоқотнинг қонуниятларини;
- оилада, гуруҳ ва жамоаларда мулоқотга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;
- шахсда мулоқот шаклланишини ўрганиш;
- мулоқот маданиятини барча гуруҳ ва жамоаларда шакллантириш;
- шахслараро муносабатларда мулоқотнинг аҳамиятини кузатиш;
- мулоқот сирларини билиши ва қўллай олишни;
- гуруҳларда мулоқотни шакллантириш методикаларини ўтказиш;
- оилада мулоқот маданияти, мулоқот сирларидан боҳабар бўлиш;
- мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида психологик маслаҳатлар ташкил тиш юзасидан кўникмалар ҳосил қилишдан иборатдир.

[6]

Талабаларда мулоқотга кириша олмасликнинг асосий омили - бу ўзини - ўзи ортиқча ёки паст баҳолаш туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан қуйидагиларга аҳамият бериш ижобий самаралар сари етаклайди:

- ҳамқорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали мулоқот

жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтириш:

- мулоқотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулай позициясини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш:

- инсоннинг мулоқот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари тўғрисидаги ахборотни эгаллашга оид махсус машғулотларни уюштириш:

- шахслараро муносабатлар ва мулоқот усулларига мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, тренинг тизимини яратишдан иборат.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, педагогик жараёни мураккаб бўлиб, унинг субъекти ўқитувчи шахси ҳисобланади. Педагог шахсида мулоқотчанлик кўникма ва малакаларининг шакллантириш ўқув – тарбия жараёнини ташкил қилиш, жамоада кўтаринки кайфитияни, ишчанлик ҳиссини тарбиялашда муҳим аҳамиятни касб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги қоидаларга барча педагог ва талабалар риоя қилиб, гадаларини тўғри тутиш, муаммоли вазиятларга ва мулоқот мақсадига, маромига мутаносиб тушадиган ҳодисалар, ҳолатлар, шароитлар, муайян муҳит, мазмунли ҳаракатлар, имо - ишоралар, мимика, пантомимика устида иштиёқ билан шуғуллансалар, енгил табассум, илиқ, мийиғида кулиш, чиройли юриш каби машқларни амалга оширсалар, новербал нутқ ёрдами билан шахслараро муносабатни тўғри йўлга қўйиш имкониятига эришадилар. Атрофдагиларда ёқимли таассурот қолдириш, уларда меҳр - муҳаббат туйғусини ўйғотиш мулоқотдош танлашга имкон туғдиради. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан эркинликка эришиш ўзига ишонч туйғусини юзага келтирса, мустақиллик мулоқотда тенг ҳуқуқли

шерик бўлишга шарт-шароит яратади. Келгусида худди мана шу йўсинда таълим-тарбия олган талаба уни ҳаётда қўллашнинг мақбул усулларига эга бўлиши мумкин. Шундагина у инсон сифатида етук шахсга айланади ва мамлакатимиз равнақига ҳиссасини қўшувчи малакали мутахассисга айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Pulatova Odinakhan Khamidovna (2021) METHODS OF TEACHING YOUNG PEOPLE TO COMMUNICATION IN PEDAGOGICAL ACTIVITY Eurasian Journal of Academic Research Uzbekistan 198-202
2. Yakubova Barnokhan Baxtiyarovna Pulatova Odinahon Khamidovna(2020) Professional And Speech Communication In The Pedagogical Activity Of University Teacher International Journal of Researc. Indiya, Vol -7, 1077-1086
3. Pulatova Odinakhan Khamidovna, Poziljonova Zulfizar (2020) PEDAGOGICAL APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF ECONOMIC CULTURE .Archive 4. Pulatova Odina Khamidovna (2020)“The Peculiarity of Communication in Human Relations”. Eastern European Scientific Journal. Ausgabe 02/2020 Pages 92-94
4. Pulatova Odina Khamidovna (2021) STUDENTS DEVELOP COMMUNICATION CULTURE PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL FACTORS Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2021/12/22
5. Yakubova Barnohon Pulatova Odinakhon Khamidovna, Rakhmonova Dilnura Saidovna (2019) The Role of Interactive Methods For Improving Students` Communicational Culture of Higher Educational Institutions International Journal of ScientificResearch And Education 2019/4/4 8178-8180